

Бефойда надомат



15:15 / 05.01.2019 4219

Ўтган асрнинг эллагинчи йилларида Мэрилин Монро Америка учун қанчалик бузуқлик тимсолига айланган бўлса, Брижит Бордо ҳам Европа учун шундай мақомда эди. У ўзининг шоу-бизнесдаги йигирма бир йиллик фаолияти давомида 48 та фильмда суратга тушган, 80 дан ортиқ кўшиқ куйлаган, турли мусиқий шоуларда қатнашган. Энди эса ана шу франциялик машхур актрисанинг надоматга тўла дил сўзларига қулоқ тутинг:

«Бугунги кунда ўзим суратга тушган эски фильмлардан бирортасини кўриб қолгудек бўлсам, аламдан инграб юбораман ва зудлик билан телевизорни ўчираман. Қанчалар тубанликка кетган, қанчалар расво бўлган эканман-а!..»

Брижит Бордо сўзларини шундай давом эттиради:

«Никоҳ – инсон бахт-саодатининг энг олий чўққиси экан. Ҳар гал бирор аёлни эри ва болалари билан кўрганимда, ўзимга ўзим «Нега мен бу бахтдан бенасібман?» деган саволни бераман. Мусулмон мамлакатларига сафар қилганимда уларнинг аёлларига ҳайратланиб боқаман: бир қарашда ҳаммаси «ўранган», «тўрт деворнинг ичига қамалган». Аммо уларнинг ҳаёти билан яқинроқдан танишар эканмиз, бу аёллар аслида ҳар биримиз орзу қилган аёллик бахтига тўлиқ эришганини кўрамиз. Аслида ҳам шундай – эрлари уларнинг атрофида айланиб-ўргилади, улар ҳурмат ва

самимият оғушига ғарқ бўлишган, шоҳона дўконлар олдида табассум билан уймалашади. Уларнинг шарқликларга хос чиройли ўғил-қизлари савдо залларида чопқиллаб юришибди. Бир четда «Тиффани», «Шопард» каби дўконларнинг моли солинган халталарни кўтариб турган эрлари ним табассум билан хотинларини «Ҳабибам», деб чақиради. Бу уларнинг тилида «азизам», «севгилим» деган маъноларни билдирар экан. Ана шунда қалбимни аламли бир таассуф тирнаб, яралаб ўтади. «Менга ҳеч ким, ҳеч қачон уларга қилинаётган ҳурмат-эҳтиромнинг ярмини ҳам кўрсатган эмас», дея ўкинаман. Ҳаммасини қайтадан бошлашни, шу ерга кўчиб келиб, севимли эримнинг ҳимоясида бўлишни, унга ширин-ширин фарзандлар туғиб беришни орзу қиламан. Аммо энди кеч, бахтимни аллақачон бой берганман... Мен шўрлик фақат қорни очгандагина эгасини эслаб қўядиган мушук ва ит билан яшашга маҳкумман...»

Актрисанинг ҳасрату надоматга тўла сўзларини бежиз келтирмадик: шояд, бу надоматли эътироф бугунги кунимизда шоу-бизнес ва мода салтанатининг ялтироқ жозибасига маҳлиё бўлиб, ёшлиги ва қисматини ўзгаларнинг кўнгилхушлиги йўлида соғуришга интилаётган айрим хонимчаларга ибрат бўлса, уларни қалтис йўлларида қайтарса...

Одинахон Муҳаммад Содиқ

«Қизларжон...» китобидан